# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 8 сентябрь, № 175 (6358) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

24 йил

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида "Мароқанд — Қарши" электрлаштирилган темир йўлида барча бунёдкорлик ва электрлаштириш ишлари тугатилиб, пойтахтдан Қаршигача "Afrosiyob" тезюрар поезди ҳаракати йўлга қўйилган эди. Яқинда эса тизимдаги яна бир йирик лойиҳа — "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линиясининг 104 километрида қурилиш, электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилдики, бу энг улуғ ва энг азиз айём шукуҳи кезиб юрган айни дамларда навбатдаги қувончли хабар бўлди.*



«Ангрен — Поп» электрлаштирилган темир йўл тармоғи:

## ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯСИ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲА

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги "Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида бунёд этилаётган мазкур лойиҳа юртимизда ягона миллий темир йўл тармоғини яратиш имконини беради. Умумий узунлиги 123,1 километрдан иборат бўлган ушбу йўлда 285 та сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километрни ташкил этувчи 13 та кўприк, 6 та йўл ўтказгич, 2 та вокзал, 4 та станция, 4 та разъезд қуриб битказилди.

Шунингдек, янги темир йўлнинг "Ангрен" станциясидан туннелнинг Ғарбий порталигача, "Поп" станциясидан Шарқий порталгача бўлган масофада темир йўл қурилиши ҳамда электрлаштириш ишлари тўлиқ якунланиб, поездлар ишчи ҳаракати ташкил этилди.

— Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда "Қамчиқ" довони бўйлаб қурилаётган ушбу темир йўлда бунёдкорлик ишлари қизғин давом эттирилаяпти, — дейди "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл лойиҳаси мутахассиси Тожиддин Аблазов. — Хусусан, лойиҳа доирасида хитойлик ҳамкорлар билан қурилаётган, узунлиги 19,1 километрлик туннелнинг асосий стволини қазиш ишлари Ғарбий ва Шарқий порталлар ҳамда қўшимча учта ёнбош шахталарда олиб борилаётгани боис бугунги кунгача 14 километр узунликда туннель қазилди. Бу кўрсаткич қўшимча туннелда қарийб 15 километрни ташкил этади. Қолаверса, туннелнинг 10 километрдан зиёд қисмида пардозлаш ишлари амалга оширилди.




(Давоми 2-бетда).

■ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимини замон талаблари асосида ислоҳ этиш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.*

## Депутатлар таълим тизимига оид қонун ҳужжатлари ижросини муҳокама қилдилар

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ёшларни ҳар томонлама баркамол вояга етказишга йўналтирилган аниқ стратегия ҳаётга татбиқ этилди. Пировардида соҳа тубдан янгиланиб, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник ҳамда кадрлар базасига эга таълим-тарбия инфратузилмаси яратилди. Бунда, хусусан, 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ҳамда тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар "ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисми сифатида катта муваффақиятлар омили бўлди.

Бу борада парламентимиз томонидан соҳага оид қонунчиликни изчил такомиллаштириб бориш, уларнинг ижро механизмларини кучайтиришга ҳамда ижроси юзасидан доимий назоратни амалга оширишга эътибор қаратиб келинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 23 январида бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг таъсирини оширишга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Айни пайтда бу борада Қонунчилик палатаси қўмиталарида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Яъни қонунларнинг бажарилиши устидан парламент назорати самарадорлигини янада ошириш масаласига катта эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқлари

кеча пойтахтимизда бошланган МДҲ мамлакатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмасининг XXII халқаро конгрессида атрофлича муҳокама қилинмоқда

■ АНЖУМАН

Мазкур нуфузли тадбирда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Буюк Британия, Франция, Россия, Озарбайжон, Беларусь каби йигирмага яқин давлатлар ҳамда мамлакатимиздан олим, шифокор ва ёш тадқиқотчилар қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, МДҲ мамлакатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган конгресснинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида республикамизда сифат жиҳатидан янги, замонавий тиббиёт муассасалари инфратузилмаси шакллантирилди. Уларнинг моддий-техник ҳамда кадрлар базаси мустаҳкамланди. Барча ҳудудда бугунги кун талабларига жавоб берадиган шифо масканлари барпо қилинди, мавжудлари тубдан таъмирланди. Уларда хасталикка аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш имконияти яратилди. Эътиборлиси, давлатимиз томонидан мазкур тизимда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар дунё ҳамжамияти, кенг жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилаётир.

Тегишли қонунлар, Президентимизнинг Фармон ҳамда қарорлари ижроси ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаяпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламалга айланди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши тизим ривожида янги босқични бошлаб берди. Юқори технологик даволаш ва диагностика услублари амалиётга кенг жорий қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Мамлакатимизга Корея Республикасининг Инха университети госпитали президенти Ким Ёнг Мо раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Хорижлик мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказади.

**● Андижонда "Тадбиркорлик ва фермерлик ривожи — барқарор иқтисодиёт гарови" мавзуида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Унда "Фермерлик ҳаракатини янада такомиллаштириш ва жадал ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари", "Фермерлик ҳаракати — қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ҳал қилувчи етакчи куч" сингари мавзуларда маърузалар тингланди.**

● Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида "Икки авлод учрашуви" лойиҳаси доирасида "Сизлардан миннатдормиз!" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

**● Наманган вилоятининг Норин туманида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда хорижий тилларни ўргатадиган махсус курслар, компьютер саводхонлиги тўгараги, ёш тадбиркорлар учун маслаҳат маркази, ёш оила маслаҳатхонаси ва кутубхона каби ўнга яқин тўгарак ҳамда бўлимлар мавжуд. 150 ўринга мўлжалланган зал турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш имконини беради.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## Келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори

Юртимиз таълим муассасаларида Президентимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китоби кенг ўрганилмоқда.

*Мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги тарихи, тараққиёти, бугунги ютуқлари, истиқбол режалари, ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги сифат ўзгаришлари, халқимизнинг моддий-маънавий қудрати, унинг бунёдкорлик даҳоси, аждодлар ва келгуси авлодлар олдидаги муқаддас бурч ҳамда масъулият каби долзарб мавзулар ўрин олган мазкур асар юртдошларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Хусусан, шу кунларда олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида бўлиб ўтаётган Мустақиллик дарсларида Президентимиз китобида илгари сурилган ғоя ва фикрларнинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилаяпти. Бинобарин, ушбу машғулотлар ўғил-қизларимиз қалбида ватанпарварлик, миллий анъана ҳамда қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини янада кучайтиришда муҳим ўрин тутаётир.*

*Мухбирларимиз айрим юртдошларимизнинг Мустақиллик дарслари хусусидаги таассуротлари билан қизиқди.*

■ МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

**Нодира ХАЛИЛОВА, Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:**

— Пухта билим ва касб-ҳунар эгаллаган ёшлар ҳеч кимдан кам бўлмайди. Улар қалбида она-Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари мустаҳкам қарор топади. Зеро, навқирон авлод вакилларини комил инсон қилиб тарбиялаш долзарб вазифадир. Мамлакатимизнинг барча ўқув даргоҳларида бўлгани каби касб-ҳунар коллежимизда ҳам Мустақиллик дарсларини ўтишда масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунончи, ўқувчиларимиз Президентимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобини ўрганишга бағишланган машғулотларда фаол иштирок этишмоқда.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида республикамизда таълим тизими тубдан ўзгарди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга билим бериш сифатини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш имконини яратди. Замонавий ўқув бинолари, спорт мажмуаларининг бунёд этилиши, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани илм-фан, маданият, санъат ва спорт каби ижтимоий соҳалар ривожида муҳим пойдевор бўлмоқда. Буни коллежимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Муассасамиз нефть ва газ саноати учун кичик мутахассислар тайёрлайди. Муҳташам ўқув бинолари, лаборатория хоналари, ахборот-ресурс марказига эгамиз. Ўқувчиларимиз амалиётни мамлакатимизнинг энг йирик корхоналарида ўташмоқда. Битирувчиларимизнинг аксарияти нефть ва газ саноати тизимидаги корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат қилиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келишаётир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2015 йилнинг олти ойида мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг**

# 86,4

**миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари ўзлаштирилди.**

Бу қулай ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга тўлиқ эркинлик бериш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган изчил чора-тадбирларнинг амалий ифодасидир.

«Ангрен — Поп» электрлаштирилган темир йўл тармоғи:

# ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯСИ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲА




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур йирик лойиҳа қурилишида темир йўлчилар учун зарур шароитлар яратилиб, қурилиш объектларига замонавий техникалар ва материаллар ўз вақтида етказилмоқда. Бу эса тоғли ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг белгиланган режа асосида бажарилишини таъминлаяпти.

Эътироф этиш керакки, “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўли ва ушбу лойиҳа доирасида бунёд этилаётган туннель қурилишида сифатга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда бажарилаётган ишларнинг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёр ва стандартлар талабларига мувофиқлиги Германиянинг “DB International GmbH” компанияси мутахассислари томонидан назорат қилиб борилаяпти.

— Лойиҳа жуда сифатли даражада амалга оширилмоқда, — дейди компания бош маслаҳатчиси Якоб Шонс. — Тоғли ҳудудда бўлишига қарамасдан, қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилаяпти. Шу маънода, ўзбекистонлик темир йўлчиларнинг хизмати юксак баҳога лойиқдир. Буни ҳозиргача туннелнинг иккала томонида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Негаки, улар пўлат изларни ётқизиш, электрлаштириш, умуман, барча юмушларни сифатли бажариб, қисқа муддатда амалга оширишди.

“Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши лойиҳаси мураккаблиги жиҳатидан дунё миқёсида биринчи саккизталикдан, туннель узунлиги бўйича ўн учталикдан жой олган. Албатта, бу мўъжизавий, улкан қурилиш келгусида Марказий Осиё ва Европа минтақасидаги мамлакатлар билан темир йўл орқали ҳамкорлик ўрнатишда муҳим ўрин тутади. Энг асосийси, юкларни ташиш арзонлашади, уларни етказиб бериш муддати эса икки баробар қисқаради.

**Мирзо МУРОТОВ.**

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг мазкур асарида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тараққиёт йўли турли ҳаётий мисоллар орқали кенг ёритилган. Шунингдек, унда мамлакатимизни демократик янгилаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, ислоҳотларни изчиллик билан давом эттиришга оид устувор вазифалар белгилаб берилган. Бинобарин, у барчамиз, жумладан, эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар учун дастуриламалдир.

Мустақиллик дарсларида ана шу вазифаларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича очиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Китобдаги рақам ва далилларга таянган ҳолда “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган бош ғоя атрофида фикр-мулоҳазалар юритилаяпти. Бизни хурсанд қиладиган жиҳати шундаки, ўқувчиларимизнинг ҳар бири эзгу орзу-истаклар билан камолга етмоқда. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш, шу азиз Ватан тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилиш ниятида эканлигини билдиришади. Шу маънода, Мустақиллик дарслари ёшларимизнинг билимини янада бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлашда беқиёс аҳамият касб этаётир.

**Саломат АБДУҚОДИРОВА, Оҳангарон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси:**

— Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобини ўқувчиларимиз катта қизиқиш билан ўрганишмоқда. Бу асар эртамиз эгаларининг мустақилликка эришишимиз тарихи, бу йўлда олиб борилган улкан саъй-ҳаракатлар, Ўзбекистонимизнинг жадал тараққиёти асослари ҳақидаги билимларини янада бойитишда нодир манбадир.

Мазкур китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Давлатимиз, жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган ана шу чиқишларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани равнақ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мустақиллик дарсларида ўқувчиларимизга ана шулар ҳақида сўзлаб бераяпмиз. Ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етаётган фарзандларимизнинг ёниб турган кўзларига боққанимизда, уларнинг истиқлолимиз, ўзларининг эзгу орзу-интилишлари ҳақидаги жўшқин фикрларини эшитганимизда, қалбимиз чексиз фахр ва ифтихорга тўлаяпти.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Истам ИБРОҲИМОВ, Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.**

# Жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқлари

кеча пойтахтимизда бошланган МДҲ мамлакатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмасининг XXII халқаро конгрессида атрофлича муҳокама қилинмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази — мамлакатимиздаги энг йирик тиббиёт муассасаларидан бири. 2012 йилда унинг таркибида юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида ташхис қўйиш ҳамда уларни даволаш имконини берадиган кардиожарроҳлик мажмуасининг очилгани тиббиётимиздаги улкан муваффақиятлар сирасига киради. Бу ерда яратилган замонавий шарт-шароитлар, мутахассисларнинг малака ва тажрибаси халқаро мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланаётир. Чунки бундай марказни бунёд этиш, уни энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан таъминлаш, ноёб жарроҳлик амалиётларини бажаришга қодир шифокорларни тайёрлаш, пировардида, мурожаат қилувчиларни хасталикдан халос этиб, миллионлаб оилаларга, ота-оналарга қувонч улашишга эришишнинг ўзи бўлмайди.

Ҳозирги кунда ушбу марказ ошқозон-ичак йўллари, ўт қопи, жигар, ўпка, умуртқа, юрак ва қон томир касалликларини даволашга ихтисослаштирилган минтақадаги етакчи тиббиёт муассасаси саналади. Кейинги йилларда бу ерда жигарда ўсма ривожланиши, катта ҳажмдаги ҳамда панкреатодуоденал резекция, ўт йўлларида юзага келган ўсма ва заҳарланишдан шикастланиш ҳолатларида қайта тикланиш аралашуви сингари ноёб операциялар ўтказилмоқда. Жигар циррози ҳамда портал гипертензия асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги ўзига хос услублар ҳаётга татбиқ этилди. Қизилўнгач ва ошқозон касалликларининг ривожланган ҳамда энди авж олаётган ҳолатларида қайта тиклаш каби мураккаб амалиётлар бажарилди.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга юксак даражада эътибор қаратилаётганидан яхши хабардормиз, — дейди Франциянинг Жарроҳлар миллий академияси фахрий президенти, Гепатобилиар жарроҳлик институти директори, Европа жарроҳлар уюшмаси асосчиси ва президенти Генри Бисмут. — Бу ердаги соғлиқни сақлаш муассасаларида яратилган шарт-шароитлар, шифокорларнинг билим ҳамда тажрибаси билан яқиндан танишган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Юртингизда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, баркамол авлодни вояга етказиш, кексаларнинг умрини узайтириш борасида эришилаётган ютуқлар ҳам эътиборга молик. Юксак савияда ташкиллаштирилган ушбу конгресс унинг иштирокчилари учун гепатопанкреатобилиар жарроҳлик йўналишида мамлакатингиз ҳамда бошқа давлатларда амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, бу борада орттирилган тажрибани ўрганиш, ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорлик истиқболларини кўриб чиқиш имконини бермоқда.

Айтиш жоизки, конгресс доирасида истиқлол йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, хусусан, гепатология ва панкреатология соҳаларида эришилган ютуқларга бағишланган кўргазма ташкил этилди ҳамда ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Конгресс мажлисларида мамлакатимиз ва дунёда гепатология ҳамда панкреатология соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритилади.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**



*Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.*

# Эъзоз ва эҳтиром ифодаси

*Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, юз ёшдан ошган бир гуруҳ юртдошларимиз “Шуҳрат” медали билан мукофотланди. Улар орасида Хатирчи туманининг “Олтинсой” қишлоғида умргузаронлик қилиб келаётган 101 ёшли Умит момо Юлдашева ҳам бор.*

## ҒАМХЎРЛИК

Онахоннинг давлатимиз юксак мукофоти билан тақдирлангани бир зумда бутун қишлоққа, туманга ёйилди. Узоқ-яқиндан қариндош-уруғлари, яқинлари, маҳалладошлари уни қутлашга шошилдилар.

Бугун Умит момо 56 невара, 105 чевара, 45 эвараси ардоғида мазмунли ҳаёт кечирмоқда. Ўғил-қизларини ўқитди, эл-юрт корига камарбаста инсонлар қилиб камолга етказди. Невcovered ралари ҳам ота-онасига муносиб фарзандлар бўлиб, турли соҳаларда самарали меҳнат қилишаяпти.

Куни кеча вилоят ҳокими Э. Турдимов кенг жамоатчилик вакиллари билан Умит момо хонадонига ташриф буюриб, табаррук ёшли онахонга юксак мукофот — “Шуҳрат” медалини Президентимиз номидан топширди ҳамда энг улуғ, энг азиз байрам билан табриклади.

— Шундай тинч-осойишта, фаровон ҳаётга етказганига шукр, — дейди момо. — Буларнинг барчаси мустақиллик бераётган имкониятлар самарасидир. Шундай дориламон кунларимизга кўз тегмасин. Биз, кексаларни қадрлаб, иззат-эҳтиром кўрсатаётган Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Депутатлар таълим тизимига оид қонун ҳужжатлари ижросини муҳокама қилдилар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида халқ таълими муассасаларида чет тилларни ўргатиш борасидаги қонунчиликнинг ижроси юзасидан халқ таълими вазирининг ахбороти эшитилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни баркамол, интеллектуал ривожланган, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди. Шу билан бирга, Президентимизнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларнинг халқаро ҳамкорлик ҳамда мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиққани билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, ўтган давр мобайнида чет тилларни ўқитиш тизими тубдан ўзгарди. Хусусан, 2013/2014 ўқув йилидан эътиборан барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларидан бошлаб янги модель асосида чет тилларни ўқитиш бошланди. Узлуксиз таълим тизими учун чет тиллардан янги давлат таълим стандартлари, замонавий ўқув қўлланмалари ҳамда дарслик мажмуалари яратилди.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, бу борада сўнгги 3 йилда 5 миллиондан ортиқ нусхада дарсликлар чоп этилди. Шу билан бирга, 17 минг 222 та чет тили кабинети учун қўшимча адабиётлар, луғатлар ҳам Давлат бюджети ҳисобидан етказиб берилди. Уларни замонавий мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, турли электрон ахборот-таълим ресурслари, видеодарслар, видеоқўлланмалар, интерактив ўйинлар каби 50 дан ортиқ ресурслар яратилди.

Кадрлар таъминоти ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар бажарилди. Ўтган даврда 18 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиларининг малакаси оширилди. Мактабгача таълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам бу борада муайян чора-тадбирлар олиб борилаяпти, тўгараклар фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда тизимда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Жумладан, таълим муассасаларида етказиб берилган жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологияларидан янада оқилона фойдаланиш, мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлақонли ўрганиш, педагоглар иш самарадорлигини янада ошириш, дарс жараёнида ўқув қуроллари, замонавий мультимедиа маҳсулотларидан кенг фойдаланишни такомиллаштириш зарур. Шунингдек, бошланғич синф ўқитувчиларининг чет тилларни ўқитиш бўйича малакасини ошириш тизимидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш тавсия этилди.

— Мамлакатимизда интеллектуал етук авлодни камол топтириш масаласига мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб жиддий эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси А. Қирғизбоев. — Бугунги кунда фарзандларимиз таълим-тарбияси учун ҳаракат ҳам, харажат ҳам аялмаяпти. Биргина чет тилларни ўрганиш йўналишини оладиган бўлсак, сўнгги 2-3 йилда соҳага янгича ёндашувлар ва замонавий педагогик технологиялар жорий этилди. Қўмитамиз иш режасида кўзда тутилган ушбу йиғилишда ҳам айни шу масала бўйича қонунчиликнинг бажарилиши кўриб чиқилди. Албатта, тадбирдан аввал жойларда, вилоятларда бўлиб, тизимдаги ислоҳотларнинг борилиши ҳамда қонунчилик ижросини ўргандик. Таъкидлаш жоизки, бу борада кўплаб ишлар қилинган. Ўқитувчиларга етарли шароитлар, яъни чет тилини ўқитиш учун махсус жиҳозланган хоналар яратилган. Президентимизнинг қароридан сўнг биринчи синф ўқувчиларига ҳам чет тиллар ўқитила бошланди. Пировардида бу бир неча тилларда сўзлаша оладиган, жамиятда муносиб ўрин эгаллайдиган фарзандларни тарбиялаш, етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратади.

Йиғилишда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# Солиқларни ўз вақтида тўлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар”, деб белгилаб қўйилган. Зотан, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, ободонлаштириш, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш каби эзгу ишларга йўналтирилади.*

## ЖАРАЁН

Солиқ кодекси тегишли моддаларига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг ихтиёридаги кўчмас мулк — уй-жой, квартира, дала ҳовли, гараж, бошқа иморат ва иншоотлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилган ер участкалари бу турдаги солиқ объектлари ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, солиқ ставкалари ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига биноан, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи 1,10 ва ер солиғи 1,15 бараварга индексация қилинди.

Мол-мулк ва ер солиқлари ҳисоблаб чиқилишида эса кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга таянилади. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мол-мулк ва ер солиқлари суммаси, тўлаш муддати кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга ҳар йили 1 майдан кечиктирилмасдан топширилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли органлар белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаган тақдирда, 2015 йилда солиқ ҳисоблаш учун Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида 20 миллион 328 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8 миллион 833 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қийматлари қўлланилади. Ёки бўлмаса, айрим сабабларга кўра, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобланмаган бўлса (масалан, солиқ органида жисмоний шахс эгалигидаги кўчмас мулк ёки ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда), давлат солиқ хизмати органлари бундай маълумотларни олган кундан бошлаб солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаши, уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Шу билан бирга, “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Солиқ кодексининг 290-моддасига ўзгартишлар киритилган. Унга асосан, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб кўчириб келтирилган фуқароларнинг келиб жойлашган ер участкалари ҳамда деҳқон хўжалиги юритиш учун жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича ер солиғидан имтиёзлар бекор қилинди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкалари, шунингдек, фуқаролар томонидан тураржой фонди объектлари нотураржой фонди тоифасига ўтказилганда ёки нотураржой фонди объектлари мулк сифатида харид қилинганда, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади. Уларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги Қонунига мувофиқ, Солиқ кодексининг 276 ва 291-моддаларига киритилган ўзгартиришларга кўра, жисмоний шахс ёки оилавий корхона тураржойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Мол-мулк ва ер солиқларини жорий йилнинг 15 октябрига қадар тўлаш белгиланган бўлиб, уни ўз вақтида амалга оширмаган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилади. Яъни Солиқ кодекси талабларига биноан, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан, ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Фуқаро солиқ органи томонидан солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома берилганидан кейин ўн кун ичида қарзини узмаса, мажбурий ундирув чораларини кўриш бўйича судга даъво аризаси киритилади. Шунингдек, Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер солиғини мунтазам равишда тўламай келаётган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилиниш чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Мухтасар айтганда, мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш жисмоний шахсларнинг қонуний бурчидир. Зеро, бундан тушадиган маблағлар маҳаллий бюджетни бойитиш баробарида, турмушимиз янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

**Равшан НАСИМОВ, Давлат солиқ қўмитасининг Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 6 мартдаги 1-42/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-4 мавзеси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 53,49 кв.м., тураржой майдони 37,03 кв.м. бўлган, уч қаватли бинонинг учинчи қаватидаги 3 та хонадан иборат 6-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 106 863 700 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-4 мавзеси, 11-«Б» уйда жойлашган, умумий майдони 113,28 кв.м. бўлган, тўққиз қаватли бинонинг тўртинчи қаватидаги 23-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 510 043 700 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-4 мавзеси, 11-«Б» уйда жойлашган, умумий майдони 144,19 кв.м. бўлган, тўққиз қаватли бинонинг тўртинчи қаватидаги 33-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 797 635 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Боткин кўчаси, 110/5-уйда жойлашган, умумий майдони 61,86 кв.м., тураржой майдони 44,94 кв.м. бўлган, икки қаватли бинонинг иккинчи қаватидаги 3 та хонадан иборат 7-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 79 559 100 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Боткин кўчаси, 110/6-уйда жойлашган, умумий майдони 48,74 кв.м., тураржой майдони 31,34 кв.м. бўлган, икки қаватли бинонинг иккинчи қаватидаги 2 та хонадан иборат 7-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 69 082 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Боткин кўчаси, 110/6-уйда жойлашган, умумий майдони 47,30 кв.м., тураржой майдони 31,52 кв.м. бўлган, икки қаватли бинонинг иккинчи қаватидаги 2 та хонадан иборат 8-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 67 058 100 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1305А/6

Хизматлар лицензияланган.

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Фарғона минтақавий филиалининг 2015 йил 29 августдаги 01-1754-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 13-уйда жойлашган банк биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 118 793 229 сўм.***

Ер майдони — 1324,0 кв.м.

Хоналар сони — 48 та.

Кўчмас мулк объекти бўйича коммунал корхоналардан қарздорлик мавжуд эмас.

Аукцион савдолари 2015 йил 6 октябрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2015 йил 5 октябрь куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур кўчмас мулк 2015 йил 6 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2015 йил 16 ва 27 октябрь кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк объекти ва унинг ҳужжатлари билан савдо ташкилотчиси ёки АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Фарғона вилояти минтақавий филиалида танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида объект номи кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, СТИР: 302128329, МФО: 00500.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — улар уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар, яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманома бериш ва савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Очиқ аукцион савдоси ғолибига савдо бўлиб ўтгандан кейин ўн кун муддатда сотувчи — АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:**
**Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, «Effect real group» МЧЖ.**
**Телефон: (+99895) 404-54-84.**

1299А/631

Хизматлар лицензияланган.

## «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг ижро варақаларига асосан хатланган, «Қоракўлдон-маҳсулотлари» АЖга тегишли бўлган, Қоракўл тумани, Тошкент кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 208,4 кв.м.дан иборат «Наврўз» чойхонаси ва ошхона бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 335 354 026 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Кўчмас мулклар 2015 йил 19 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси «Shad savdo zamin» МЧЖга юқорида кўр-сатилган кўчмас мулкларни сотиб олиш учун савдо таш-килотчисининг АТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО 00966 СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, мулкни сотиб олиш учун ариза ва талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхасини тақдим этишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: «Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 106-хона. Телефон: (0-365) 221-51-62.**

1287А/625

Хизматлар лицензияланган.

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани СИБ томонидан ЖИБ Кегейли тумани судининг 2014 йил 27 мартдаги 1-136-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Кегейли тумани, Халкабад қўрғонида жойлашган тўйхона (собиқ универмаг) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 215 972 839 сўм.***

**2.** Нукус шаҳри, Сарбиназ мавзесида жойлашган новвойхона ва қоровулхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 299 288 706 сўм.***

**3.** Нукус шаҳри, 23-микрорайонда жойлашган автобаза (мажмуа) биноси (собиқ 1-сонли автобаза).

***Бошланғич баҳоси — 677 072 899 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар 2015 йил 23 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 8 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 6 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банк Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,**
**А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.**
**Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

1304А/2

Хизматлар лицензияланган.

## БИЛДИРИШ

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 7 август 155-сонида чоп этилган эълондаги «Capital realtor group» МЧЖнинг Қашқадарё филиалида савдога чиқарилган, Қарши шаҳри, «Гунгон» МФЙ, Насаф кўчаси, 39-уйда жойлашган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Қарши шаҳар суд ижрочилари бўлимининг 2015 йил 25 августдаги 15/2364-сонли хатига асосан тўхтатилди.

1306А/34 **Хизматлар лицензияланган.**

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.**
**Факс: (0-371) 228-80-24.**

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 11 майдаги 19-1504/4640-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Паттакесар» ҚФЙ, Гулистон маҳалласида жойлашган, «Жануб бунёдкор қурилиш» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 34810 кв.м. бўлган маъмурий ва хўжалик бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 937 201 640 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Бандихон» ҚФЙ, Бандихон маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 100 796 610 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-1228-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги йўл» ҚФЙ, Етимқум маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 57 414 400 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-1211-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги ҳаёт» ҚФЙ, Кармаки маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 100 796 610 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-1229-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги ҳаёт» ҚФЙ, Кармаки маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 101 057 870 сўм.***

**6.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги йўл» ҚФЙ, Етимқум маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 57 414 426 сўм.***

**7.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Бўстон маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, ер майдони 443,89 кв.м. бўлган, 16 хонадан иборат икки қаватли идора-дорихона бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 98 559 532 сўм.***

**8.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 24 февралдаги 1-687-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Деҳқон (озиқ-овқат) бозори» МЧЖ ҳудудида жойлашган, ер майдони 125,7 кв.м. бўлган, 8 хонадан иборат икки қаватли савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 68 750 000 сўм.***

**9.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 11 мартдаги 1-680-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи шаҳри, «Буюм бозори» ҳудудида жойлашган, ер майдони 363,66 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат икки қаватли савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.***

**10.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 22 июлдаги 1-2879-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Деҳқон (озиқ-овқат) бозори» МЧЖ ҳудудида жойлашган, ер майдони 36,0 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат 2-сонли савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.***

**11.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 24 февралдаги 1-676-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Бахтлитепа» ҚФЙ, Бахштепа маҳалласида жойлашган, ер майдони 3414,65 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат омборхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 37 500 000 сўм.***

**12.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-2829-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Сурхон кўчасида жойлашган, «Нуробод бўрдоқичилик» деҳқон фермер хўжалигига тегишли, ер майдони 64629,9 кв.м. бўлган, 29 хонадан иборат маъмурий, хўжалик ва молхона бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 215 000 000 сўм.***

**13.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 8 апрелдаги 19-1406/1951-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Қўлдош» ҚФЙ, Канобод маҳалласида жойлашган, «Нодирбек-М» фермер хўжалигига тегишли, ер майдони 10 000 кв.м. бўлган, 17 000 туппакана ва ярим пакана олма боғи қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 018 935 365 сўм.***

**14.** Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 6 мартдаги 19-1504/302-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ, Янгиҳаёт маҳалласида жойлашган, «Учқизил қурилиш транспорт» МЧЖга тегишли, ер майдони 48349,0 кв.м. бўлган маъмурий ва хўжалик биноларининг бир қисми қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 70 000 000 сўм.***

**15.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 25 ноябрдаги 1-3704/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, С. Оллоёр кўчаси, 13-уйда жойлашган, ер майдони 200,0 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат суяк кукуни ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 5 октябрь куни соат 18.00.

**16.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Ч. Қувондиқов номидаги маҳаллада жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган 5 хонадан иборат тураржой 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 87 069 930 сўм 30 тийин.***

**17.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- Шўрчи тумани, Амир Темур кўчасида жойлашган, «Йўлдошмурод» хусусий дорихонасига тегишли, умумий майдони 764,58 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 25 хонадан иборат маъмурий бино ва савдо дўконлари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 271 892 072 сўм.***

- Шўрчи тумани, «Жалоир» ҚФЙ, Ободон маҳалласида жойлашган, ер майдони 5379,33 кв.м. бўлган бостирма, қоровулхона бинолари ва темир-бетон тўсиқ бинолари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 383 306 380 сўм.***

- Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 26-уйда жойлашган, ер майдони 2036,0 кв.м. бўлган уй-жой 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 352 133 425 сўм.***

- Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 50-уй, 2-қават, 7-хонадонда жойлашган, умумий майдони 92,6 кв.м. бўлган уй-жой 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда

***Бошланғич баҳоси — 41 474 017 сўм.***

**18.** Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2012 йил 22 октябрдаги 1-127-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, «Жарқўрғон деҳқон (озиқ-овқат) бозори» МЧЖ ҳудудида жойлашган, ер майдони 12,0 кв.м. бўлган 1-сонли савдо дўкони 5 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 8 919 407 сўм.***

**19.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 2 мартдаги 19-1502/318-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 352-уйда жойлашган, «Денов автошоҳбекат» МЧЖга тегишли, ер майдони 2630,09 кв.м. бўлган, 31 хонадан иборат (А1, А2 литерлардаги) 1-корпус ертўла ва 1-қават ҳамда 15 хонадан иборат, (А3 литердаги) 1-корпус, 2-қават биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 457 310 572 сўм.***

**20.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 19 июлдаги 19-1502/8159-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Денов Чағониён Барлос» наслчилик фермер хўжалигига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- Денов тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, Қоракўз маҳалласида жойлашган, ер майдони 1300,0 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат (А литердаги) омихта ем сотиш шохобчаси.

***Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.***

- Денов тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, Қоракўз маҳалласида жойлашган, ер майдони 26283,93 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат (А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, К литерлардаги) 2-сонли қорамол фермасининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

**21.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 20 октябрдаги 19-1403/14211-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги ҳаёт» ҚФЙ, Истара маҳалласида жойлашган, «Қизириқ-Навбур» минимаркетга тегишли, майдони 157,04 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат савдо дўкони такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.***

**22.** Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2012 йил 11 октябрдаги 2-42-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ, Янги ҳаёт маҳалласида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган, 14 хонадан иборат, 2011 йилда қурилган, 1 қаватли уй-жой 5 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 52 344 429 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,**
**«Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават,**
**6-хона. Телефон: (0-376) 221-77-94.**
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

1303А/2

Хизматлар лицензияланган.




# КЎНГИЛНИНГ КЎЗИ — ВАТАН

*Истиқлол муштоқраси*

*Ватан надир — бир бурда*
*Тотинган ҳалол нонинг.*
*Асли-азал тақдирда*
*Паноҳ бўлган осмонинг.*

*Ватан нима — пойингни*
*Ўпган майса-гиламлар.*
*Кунларингни, ойингни*
*Боғ айлаган кўкламлар.*

*Ватан асли сен билан*
*Бир туғишган остонанг.*
*Илк бор эшитган алланг,*
*Сўнг бор кузатган онанг.*

*Ҳар кун шу остонага*
*Бир эгилиб, ўпиб ўт.*
*Меҳрингни, ихлосингни*
*Исириқдай сепиб ўт.*

*Тоғлар қовурғасида*
*Тунаган баҳор — Ватан.*
*Зирва дубулғасида*
*Қанот ёйган сор — Ватан!*

*Юракнинг дов қуввати,*
*Кўнгилнинг кўзи — Ватан.*
*Элу юртнинг келбати,*
*Сўзларнинг тузи — Ватан.*

*Ватан — покиза номинг,*
*Мартабанг, шон-довруғинг.*
*Ватан — номус, имонинг,*
*Ватан асли бор-йўғинг.*

*Тил остида гавҳартош*
*Асраб юрганинг — Ватан!*
*Йўқотсанг ҳеч топилмас*
*Асл маъданинг — Ватан!*

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Фаол ва ташаббускорлар тақдирланди

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз шукуҳи кезиб юрган айни кунларда мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодийислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ходимлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаоллик ва намуна кўрсатиб келаётган турли соҳа ходимлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Эҳтиром” нишони билан тақдирланди.*

**ТАДБИР**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, касаба уюшмаларининг ислоҳотлар жараёнидаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, ижтимоий шериклик асосида аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали ходимларнинг даромадларини янада ошириш, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва битирувчиларини моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш, оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилаётир. “Эҳтиром” нишонининг таъсис этилиши ушбу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жорий йилда мазкур нишон учун 62 нафар номзод тавсия этилган бўлиб, улар фаолияти махсус комиссия томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Айниқса, номзодларнинг ижтимоий шерикликни ривожлантириш, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ҳамда меҳнат жамоасини янги марралар сари илҳомлантириш борасидаги изланишларига диққат қаратилди. Пировардида энг фаол ва ташаббускор 22 номзод “Эҳтиром” нишонига муносиб кўрилди.

— Ушбу нишонга сазовор бўлганлар орасида иш берувчилар, ижтимоий шериклар, маҳаллий ҳокимликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари вакиллари борлиги эътиборга молик, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х. Каипназаров. — Совриндорлар қаторида эканимиздан мамнунмиз. Истиқлолнинг 24 йиллик байрамига ўзига хос туҳфа бўлган ушбу нишон бизни янги марралар сари руҳлантиради.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, жамоа шартномалари ижтимоий таркибини кучайтириш хусусида сўз юритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини касаба уюшмаларига жалб қилиш, шу орқали уларда ишлаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш зарурлиги ҳам қайд этилди.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маданият хабарлари



# Кўркам ва муҳташам боғ

*Марғилон шаҳри аҳли мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигини муносиб ютуқлар билан кутиб олди.*

**ТУҲФА**

Хусусан, энг улуғ, энг азиз айёмимиз арафасида Маъмуржон Узоқов номидаги маданият ва истироҳат боғида муҳташам амфитеатр, ёшлар маркази бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу ерга 18 та янги аттракцион ўрнатилиб, болажонлар учун қулайлик яратилди. Айни пайтда истироҳат боғига ташриф буюрувчилар масканда ишга туширилган замонавий фаввора атрофида мароқли ҳордиқ чиқариш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Болажонлар учун концерт

*“Истиқлол” санъат саройида пойтахтимиздаги Меҳрибонлик ҳамда Мурувват уйлари тарбияланувчилари учун “Фарзандларимизга меҳр қўлларини узатайлик” деб номланган хайрия концерти бўлиб ўтди.*

**ҒАМХЎРЛИК**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда санъаткорлар, опера ва эстрада хонандаларининг дилтортар куй-қўшиқлари янгради.

Концерт доирасида болажонларнинг тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари кўргазмаси ҳам ўтказилди.

**Назокат АҲМЕДОВА.**

# Театрда янги мавсум

*Ўзбек Миллий академик драма театри ўзининг 101-мавсумини халқимизнинг севимли асарларидан бири бўлган “Ўтган кунлар” спектакли намойиши билан бошлади.*




**САНЪАТ**

Мавсум очилишига бағишланган тадбирда таъкидланганидек, мазкур маънавият маскани мамлакатимизда театр санъатини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, замондошларимиз ҳаёти акс эттирилган “Қуёшни сен уйғотасан”, “Омад биз томонда”, “Аёлғу” каби саҳна асарлари ёшларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этаяпти.

Марат Азимов саҳналаштирган “Ўтган кунлар” асари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

# Инсоний фазилатлар тараннуми

*Алишер Навоий номидаги кино саройида “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган “Баракасини берсин” номли бадиий фильм тақдимоти бўлиб ўтди.*

**КИНО**

Унда сўзга чиққанлар “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан нуроний отахону онахонларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги эзгу анъана ва қадриятларимизни акс эттирувчи қатор фильмлар суратга олинаётганини таъкидлашди. “Баракасини берсин” комедияси шулардан биридир.

Фильмда қўшнилар ўртасидаги муносабатлар орқали кекса авлод вакилларининг мардлик, инсоф-диёнат, ҳалоллик сингари халқимизга хос фазилатлари ҳаётий воқеалар ҳамда завқли эпизодлар ёрдамида очиб берилган. Асосий ролларни таниқли санъаткорлар Эркин Комилов, Ражаб Адашев ва бошқалар ижро этган.

**Аброр МЕЛИБОЕВ.**

ЭЪЛОН

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.**

**2015 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончаси, Термиз шаҳар ҲАН жарима майдончаси, Сариосиё тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончаси ва Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган:

● ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2014 йил 2 июлдаги 1-170-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

● 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC BD150» русумли, давлат рақами 75 K 081 FA.

***Бошланғич баҳоси — 23 125 976 сўм.***

● 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Spark BDDB3» русумли, давлат рақами 75 Q 390 DA.

***Бошланғич баҳоси — 17 171 777 сўм.***

● ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «HONDA» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 2 077 079 сўм.***

● Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги 8625-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 19 K 15 26.

***Бошланғич баҳоси — 1 731 583 сўм.***

● ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 21 июлдаги 1-344-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 F 644 FA.

***Бошланғич баҳоси — 15 375 649 сўм.***

● ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 02-85-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 B 372 DA.

***Бошланғич баҳоси — 6 513 433 сўм.***

● ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 15 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 01 R 049 SA.

***Бошланғич баҳоси — 25 341 746 сўм.***

● ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 5 ноябрдаги 02-68-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари:

● 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 75 M 771 AA.

***Бошланғич баҳоси — 20 339 100 сўм.***

● 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas» русумли, давлат рақами 75 V 488 EA.

***Бошланғич баҳоси — 19 683 000 сўм.***

● 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 C 404 FA.

***Бошланғич баҳоси — 13 450 050 сўм.***

● 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz BEST» русумли, давлат рақами 75 U 551 EA.

***Бошланғич баҳоси — 13 764 584 сўм.***

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 A 128 FA.

***Бошланғич баҳоси — 13 122 000 сўм.***

● ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2015 йил 3 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia GTLB3» русумли, давлат рақами 75 D 717 BA.

***Бошланғич баҳоси — 25 347 330 сўм.***

● ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 20 октябрдаги 1-436-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, давлат рақами 75 O 013 CA.

***Бошланғич баҳоси — 19 895 919 сўм.***

● ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 11 декабрдаги 1-477-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 75 V 236 EA.

***Бошланғич баҳоси — 20 339 100 сўм.***

● Денов тумани СИБ томонидан хатланган, Денов тумани ИИБ майдончасида сақланаётган:

● ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2014 йил 24 июндаги 1-243/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-53212» русумли, давлат рақами 40 H 820 EA.

***Бошланғич баҳоси — 12 590 559 сўм.***

● ЖИБ Денов тумани судининг 2014 йил 8 январдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 75 F 936 DA.

***Бошланғич баҳоси — 2 492 805 сўм.***

● ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2014 йил 17 июндаги 1-207-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21013» русумли, давлат рақами 19 O 6838.

***Бошланғич баҳоси — 2 598 156 сўм.***

● Бойсун тумани СИБ томонидан хатланган, Бойсун тумани ИИБ майдончасида сақланаётган:

● ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2015 йил 5 майдаги 1-16-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 75 N 935 BA.

***Бошланғич баҳоси — 6 300 000 сўм.***

● Музработ тумани СИБ томонидан хатланган, Музработ тумани ИИБ майдончасида сақланаётган:

● ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 26 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 75 Z 720 DA.

***Бошланғич баҳоси — 11 842 605 сўм.***

● Музработ тумани СИБ томонидан хатланган, «Музработ пахта» ТҲЖда сақланаётган:

● ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 20 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум «МТЗ-80х» русумли трактор, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 4 597 905,74 сўм.***

● Қумқўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган:

● ЖИБ Бойсун тумани судининг 2014 йил 11 июлдаги 1-88-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 75 L 162 DA.

***Бошланғич баҳоси — 3 385 800 сўм.***

● ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 18 январдаги 1-71-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 N 849 DA.

***Бошланғич баҳоси — 6 222 187 сўм.***

● Бойсун тумани СИБ томонидан хатланган, Бойсун тумани ИИБда сақланаётган:

● ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 10 октябрдаги 1-81-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «АГБ-СПГ-М412» русумли, давлат рақами 19 L 27 98.

***Бошланғич баҳоси — 831 060 сўм.***

● ЖИБ Денов тумани судининг 2015 йил 19 майдаги 1-149-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 75 X 997 DA.

***Бошланғич баҳоси — 23 490 000 сўм.***

● Бойсун тумани СИБ томонидан хатланган, Бойсун тумани ИИБда сақланаётган:

● ЖИБ Бойсун тумани судининг 2015 йил 12 майдаги 1-26-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas» русумли, давлат рақами 75 M 536 FA.

***Бошланғич баҳоси — 25 650 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 23 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш 2015 йил 23 сентябрдаги аукцион савдосига 2015 йил 21 сентябрь куни соат 16.00 да ва 2015 йил 8 октябрдаги аукцион савдосига 2015 йил 6 октябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

***Гувоҳнома № 004059.***

1302А/33

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти маъмурияти институт ходими **Фазлиддин Баҳромович ҲАСАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компанияси жамоаси Молия-иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Жамшид Турсуновга волидаи муҳтарамаси **Сайёра АЗИЗОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ҳамда жамоаси Тиллар ва адабиёт кафедраси катта ўқитувчиси Муқаддам Содиқовага волидаи муҳтарамаси **Ҳимоят ая ЯКУБОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 392 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5